



СИРТҚИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ЛЕКСИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Маматкаримова Барно Хабибуллаевна
ЎзДЖТУ докторантни

Таълим ҳар бир инсон ривожланишининг асосий таркибий қисми бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларида мақсадларга эришиш учун зарурдир. Иш берувчилар ўз ходимларида юқори малакали ишчиларни кўришни талаб этишади. Замонавий таълим жараёнининг асосий талаби – олинган билимларни амалиётда қўллай олишдир. Шунинг учун таълим жараёнини шундай ташкил этиш зарурки, таълим олувчилар нафақат назарияни ўзлаштирибгина қолмай, балки эгаллаган билимларини касб-хунар бўйича ҳам муваффақиятли қўллай олишидир. Шу мақсадда таълим муҳитига амалиётга йўналтирилган таълим жорий этилиб, унинг асосини фаолият ёндашуви ташкил этади. Олий таълим муассасалари ва соҳа йўналишлари тарихини, устозлар таҳсил олган ва улар томонидан асос солинган даврларга боғлаш масаласини кенг ёритмоқда. Бу ишни тиклаш баробарида, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлиаримизни ўз соҳасига, касбига қизиқтириш ва уларни илмпарварлик руҳида тарбиялашга, қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қиласди.

Мана шундай тарихга эга бўлган касблардан бири бу-муҳандис касбидир. Муҳандис йўналиши касбларига тайёрловчи билим юртлари юртимизнинг барча қисмларида мавжуддир. Ўзбекистон Республикасида техника таълими учун техник соҳа вакилларини тайёрлаш бўйича энг биринчи 1972 йилда Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технология институтида бошланган. Ҳозирги кунда эса энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари Навоий ва Тошкент вилоятларида жойлашган. Навоий вилоятидаги Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳамда Тошкент давлат техника университетлари муҳандис соҳа вакилларини етиштиришда олий ўринларни эгаллаб келади. Дастребаки ўқиш муддати 5 йил қилиб белгиланган эди, кейинчалик 4 йил бакалавр, 3 йил маҳсус сиртқи таълим, 2 йил магистратура бўйича белгиланди. Кейинчалик бу таълимни ривожлантириш учун кўплаб қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди.

Давлатимизнинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 14 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 14-сессиясидаги сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар борасида барча олий таълим муассасаларида “Касбий таълим” йўналиши бўйича муҳандис соҳа вакилларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Муҳандис соҳа вакилларини тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири педагогик ва техник тайёргарликларининг алоқасини тўғри йўлга қўйишидир. Юқоридаги ривожланиш тарихига назар солсангиз асосан ишчи кадр тайёрлаш жараёнини эътиборга олинган бўлиб, касб-хунар коллежлари ва техника олий ўкув юртларида етук мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган. Ҳозирги кунга келиб кўплаб замон талабига мос олий ўкув юртларида соҳа вакиллари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора –тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони асосида такомиллаштириш, бошлангич, ўрта ва ўрта маҳсус, олий профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва ракобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилди ва олий таълим тизими олдига бир қанча вазифалар берилди. Мазкур қарор ва фармонлар ижросини таъминлашда техник соҳа вакилларининг инглиз тилини ташки алоқалардаги ва мамлакатимиздаги аҳамияти юқори. Бунда:

- маҳаллий ишлаб чиқариш сонаотини ривожлантириш, жаҳон бозорига кириб боришидаги улушини кўпайтириш;
- ишлаб чиқариш, индустрисал зоналарни кўпроқ ўрганиб чиқиш;
- хорижий инвесторлар билан алоқаларни кучайтириш ва инвестицияларни олиб киришни кенгайтириш;
- лаборатория жиҳозлари ва анжомларидан фойдаланиш йўриқнома кўрсатмаларидан фойдалана олиш каби вазиятлар қўйилди.

Юқорида белгиланган меъёрий хужжатларни амалда тадбиқ этишда биз чет тили ўқитувчилари олдида жиддий маъсулиятни бажаришга тақозо этади. Шунинг учун номутахассис бўлган сиртқи таълим йўналишидаги талабаларга чет тилини ўқитишида кучли мотивация бериш орқали етук мутахассис тайёрлашга ундейди.

Муҳандис соҳасидаги яъни сиртқи таълим йўналиши талабалари билан ишлашда талабаларнинг чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўрганишга бўлган мотивацияси муаммосига катта эътибор бериш керак. Чет тилини ўрганиш учун уларга кўп куч, вақт ва хоҳиш керак, чунки ўрганиш учун мотивация бўлмаса, ҳеч қандай натижа бўлмайди. Ҳамма талабалар инглиз тили нима учун кераклигини тушунишмайди. Кўпинча техник маҳсулотлар обьектларга ўзбек тилига таржима қилинмасдан келади: ускуналарни ишлатиш бўйича кўрсатмалар, турли механизмлар ва двигателларнинг тавсифлари, техник хусусиятлар буларга мисол бўлади. Бундан ташқари, чет эллик ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш учун инглиз тили керак бўлади. Инглиз тили талабалар учун халқаро кўргазмаларда катнашиш ва бошқа мамлакат инвесторлари билан мулоқот қилиш ва тажриба алмашиш учун фойдали бўлиши мумкин. Инглиз тилини ўрганиш нафақат филология йўналишида балки техника йўналишида ҳам турли қийинчиликларга дуч келади. Юртимизнинг саноатлашган ерларида чет тилини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади.

Тоғ-кон саноати нафақат мамлакатимиз учун, балки халқаро корхоналар учун ҳам жуда муҳим, чунки улар хомашё қазиб олиш учун зарур бўлган қайта ишлаш заводларини қуришда ҳамкорлик қиласидилар. Бинобарин, ушбу лойиҳа кон назоратчиларини тескари бурилиш ёрдамида йиғиш жараёнини назорат қилувчи хорижий ишчилар билан ўзаро мулоқот қилишга ўргатишига қаратилган.

Минерални қазиб олиш учун тоғ-кон компаниялари турли босқичлардан ўтади. Қисқаси, улар ишлаб чиқаришни режалаштириш учун малакали кадрларни ёллашдан бошлайди; иккинчидан, улар маъдан нимадан қазиб олиш ва контсентрациялаш, кейин уни майдалаш ва бошқа жараёнлар қаторида, кондан материал олиш

имкониятига эга бўлишади ва ниҳоят, йиғилган хомашёни ҳар хил қайта ишлаш заводларига етказиб беришади. Минерални қайта ишлаш заводлари қурилишидан бошланади. Халқаро компаниялар – тегирмон ва майдалагичлардан сотиб олинган машиналарни йиғиш масъулияти бу машиналарга мисол – тўлиқ ўзбек компаниясида ишлайдиган муҳандисларга юклатилган.

Бундан ташқари, етказиб берувчилар назоратчиларни мижознинг заводига юборадилар фабрикалар қаерда бўлмасин, йиғиш жараёнини назорат қиласидилар. Қайта ишлаш заводларини йиғиш пайтида, эҳтимол, қурилиш компанияси ходимлари иши давомида текширувлар ўтказилади. Бундай текширувлар хорижий супервайзерлар томонидан амалга оширилади, бу эса етказиб берувчининг назоратчиси, ўзбекм уҳандислари ва усталари ва бошқа ишчилар ўртасида ўзаро мулоқот қилиш имкониятини очади. Миллий ишчининг инглиз тилини билмаслиги туфайли бу қисмларнинг ўзаро таъсири кўпинча нотўғри тушунилади. Хўш, нима учун бу лойиха Ўзбекистон кон саноати муҳандислари ва усталари учун муҳим? Айнан, чунки чет эллик раҳбар билан ўзбек муҳандислари ва усталари ўртасидаги тил тўсифи мулоқотни самарасиз қиласиди; шунинг учун процедуранинг ўзи қийинлашади. Шу боис давлатимиз ривожи учун бундай вазиятларни инобатга олган ҳолда ижтимоий-иктисодий сиёсатда мамлакат ҳаётини барча жабҳаларини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дадамирзаев Ф., Файзуллаев Қ. “ Муҳандислик таълими соҳаларида фанлараро интеграциянинг аҳамияти ” Т.№ 5. 2013. -106.
2. Гулямова М.Х. Инглиз тилини ўқитишида талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришида интегратив ёндашув. Пед.ф.н.диссертация 2019й. Кўлёзма ҳуқуқида УДК: 811.111– 25:37.02 (043.3) 262бр /43- б.
3. Вепрева Т.Б. Обучение профессионально-ориентированной иноязычной лексике студентов неязыковых специальностей на основе интегрированного курса : дисс. Канд. Пед.наук : 13.00.02 / Вепрева Татьяна Борисовна; [Место защиты: С.-Петербург. гос. ун-т].- Санкт-Петербург, 2012.- 182 с.: ил. РГБ ОД, 61 12-13/1245